



# ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 24 декабр, жума № 182 (829)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНДЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Фидокорлар миллий-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислам Каримов 22 декабр куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди. Учрашувни Ўзбекистон Президентини сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг раиси Рустам Холмуродов очди.

Каримов туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «СамКўАвто» қўшма корхонаси фаолиятига тўхтади. Вилоятда ўз махсулотини дунё бозорига чиқаришни кўзлаб ишлаётган бундай корхоналар оз эмас. Бугунги кунда бу ерда жами 85 та қўшма корхона фаолият юритмоқда.

афасида турибди. Энг қувончлиси шундаки, биз янги асрга озод ва эркин халқ, муқтадил ва қудратли давлат бўлиб кириб бормоқдамиз. Ислам Каримов янги юз йиллик халқимиз учун чинакам юксалиш асри, саодат асри бўлишига ишонч билдирди. Учрашувда сўзга чиққан Сибб туманидаги Ислам Каримов таҳсил олган 21-

**Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Уни Кенгаш раиси Э.Боқибоев бошқарди.**

Мажлисида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев ва бошқалар мамлакатимизда фахрийлар доимо хурмат-

## ФАХРИЙЛАР ХОҲИШ-ИРОДАСИ

этиборда экани, Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни қучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори бу ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далили бўлганини таъкидладилар. Ёшларга ўз ҳаётини тажрибаси ва меҳнати билан ибрат бўлаётган, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшаётган нуронийларни ижтимоий

ҳимоялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганини қайд этдилар. Бугунги кунда она юртимизда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишлари, Ватан тинчлиги ва оқсоқилларнинг ҳалқимиз бахт-саодати йўлбошчилиги ному билан бевоқиф ва боғлиқ эканини таъкидлаб, барча фахрийларни яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Президенти сайловида Ислам Каримов учун овоз беришга чақирдилар.

/ЎзА/

**2000 йил 9 январь - Ўзбекистон Республикаси ПРЕЗИДЕНТИ сайлови куни**

ўрта мактабнинг собиқ директори, 87 ёшли меҳнат фахрийси Халим Абдурахмонов, Пахтачи туманидаги Р.Маҳманов номи хўжалик галлачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Дўстмурод Абдуллаев, Чеклак туманидаги Имом ал-Бухорий масжид-мадраса имом хатиби Усмон Алимов, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Хосият Бобомуродова, Республика халқ артисти Ташнаберди Курбонов Ислам Каримовнинг Ватан ва халқ олдидаги улкан хизматлари ташкил этиш, 2000 йил 9 январда сайловчиларнинг номзоди учун овоз беришга даъват этдилар.

Қарши тиббиёт билим юрти вилоятда энг биринчи ташкил этилган илм масканларидан бири ҳисобланади. Айни кунда бу ерда халқимизнинг 2440 нафар ўғил-қиз шифокорлик касбини эгаллаётди. Бу борада уларга 264 нафар тажрибали ўқитувчилар устозлик қилмоқда. Билим юртида ҳамширалик, доялик, кўп профили ҳамширалар ва тиш техниклари тайёрлаш бўлимлари мавжуд.

Мазкур ўқув даргоҳида талабалар учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Жумладан, аудиториялар замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланган, маданият ва спорт жамғуварлари ташкил этилган. Қўллаб-қувватлаш ҳам билим юртининг ўзидан олиб борилди.

Суратда: Билим юртининг «Қамолат» жамғармаси жамоатчилик маркази етакчиси Сурайё Уринова (чапдан иккинчи) талабалар билан.

Мусулмон НАМОЗОВ, Хамза ШУКУРОВ, ЎзА мухбирлари.

## Ногирон ўсмирларга доимий эътибор

**Хунар-техника билим юртимизда асосан, меҳрга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган ўсмирлар таълим олади, касб ўрганади. Шу боис ҳам билим юртимизда меҳнат қилаётган ҳар бир мураббий ва тарбиячидан меҳрибонлик, саховатпешалик ҳамда чуқур билим талаб қилинади. Утган давр мобайнида билим юрти ривожини учун муайян вазифалар амалга оширилди. Бу ерда йилгилик қолган камчилик ва муаммолар аста-секинлик билан бартараф этилмоқда. Ногирон ўсмирларнинг замон талаби даражасида тўлақонли билим олиши, касб ўрганиши учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, билим юрти ётоқхонаси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, кўзи ожизлар қийналмай яшаши, билим олиши учун қулайликлар яратилди. Ётоқхонанинг канализация тармоғи янгиланди. Бу ерда талабалар билимининг янада қучайтириш мақсадида билим юрти замонавий ўқув қуроллари, турли хил жиҳозлар, компьютерлар билан таъминланди.**

Билим юртимизда 485 нафар талаба таҳсил олади. Уларга 100 дан зиёд муаллим-у, тарбиячилар сабоқ беришади. Жумладан, кўп йиллардан бери ишлаб келаётган Мирхон Омонов, Насиба Санъатова, Галина Дубровина, Кавсар Шагивалиева, Қаҳор Сатторовларни моҳир педагог, ўз касбининг фидойилари дейиш мумкин. Талабаларимиз асосан тикувчилик, радио-телевизор тузатиш устаси, муҳосиблик, компьютер оператори, тикув машиналарини таъмирлаш, соатсозлик, маийш хизмат асбобларини таъмирлаш, пойфазал таъмирлаш касбларини мукамал ўзлаштиришди.

Яна бир гап, аввало талаба ўқув юртимизга

## УЛАР ФАҚАТ МЕҲРГА МУШТОҚ

Республикамизнинг барча туманлари ижтимоий таъминот бўлимлари йўлланмаси билан қабул қилинади. Фақат Фарғона водийси туманлари бундан мустасно. Сабаби у ерда ҳам ногиронлар учун хунар-техника билим юрти ташкил қилинган. Шу боис ўқув даргоҳимизни туғатган талаба ишиси қолмайди. Чунки туман ижтимоий таъминот бўлимлари, ногиронлар жамияти билан биргаликда талабани ишга жойлаштириш масаласини кўриб чи-

қамиз. Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Зеро, касбга йўналтиришда ижтимоий таъминот бўлимлари асло хатоликка йўл қўймасликлари лозим.

Ногирон ўсмирларни соғломлаштириш бизда етакчи ўринда туради. Билим юртида фаолият олиб бораётган тиббий комиссия ҳар бир ўсмирни куриқдан ўтказиб, қандай ёрдам кўрсатиш зарурлигини аниқлайди. Ўзбекистон Ногиронлар жамиятига қарашли «Умид» реабилитация маркази билан ҳамкорлик яши

айтолмаймиз. Кўзи ожиз талабаларни Брайл ёзувидаги адабиётлар билан таъминлашни Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти зиммасига олган.

Келгусидаги режаларимиз катта. Аввало, таълим-тарбия жараёнини янада мукамаллаштириш. Ўқув хоналарини янги ўқув қўлланмалари ва замонавий анжомлар билан жиҳозлаш мумкин вазирадир. Бундан ташқари ўқитувчи-устозларнинг касбий малакаларини янада оширишга эришиш лозим. Шу ўринда АҚШ

Эркин САТТОРОВ, республика ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли хунар-техника билим юрти директори.

## XX АСРНИНГ ЭНГ МАШҲУР КИШИЛАРИ

Йил ва аср якуни яқинлашган сари оммавий ахборот воситалари ҳам XX асрнинг энг машҳур кишилари, хусусан спортчиларини аниқлаш билан машғул бўлмоқда. Кунги кеча РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси аънаваний янги йил сўровномаси жавобларини эълон қилди. Унга кўра, жаҳондаги энг яхши спортчи номига бразилиялик футбол қироли Пеле сазовор бўлди. Сергей Бубка ва марҳум дарвозабон Лев Яшин собиқ иттифокнинг энг яхши спортчилари, деб эътироф этилди.

«XX асрнинг энг яхши спортчиси» номига даъвогар номзодлар сони кўпчилигини ташкил қилмади. Бу борада Пелега «Берлин-36» олимпиадасининг уч карра чемпиони, америкалик енгил атлетикачи Жесси Оуэнс, унинг ҳамюрти бокс қироли Мухаммад Али ва финляндиялик югурувчи Пааво Нурми рақобати бўлди.

XX асрдаги собиқ иттифокнинг энг яхши спортчилари номига Сергей Бубка ва Лев Яшиндан ташқари, юнон-рум кураши бўйича уч карра олимпия чемпиони Александр Карелин ва ўн саккизта олимпия медаллари соҳибаси, гимнастикачи Лариса Латинина даъвогар бўлди.



## Тезкор шарҳ

## ЖАФНА ОРОЛИДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

Кунги кеча Шри-Ланкада президент сайлови бўлиб ўтди. Айтиш мумкинки, Жафна оролида бўлиб ўтган ушбу тарихий воқеа халқроқ ҳам-жамиятнинг диққат марказида турди. Зеро, Шри-Ланкада мана, чорак асрдан ошдики, фуқаролар уруши тўхтагани йўқ. Мамлакатни икки лагерга бўлиб қўйган ҳарбий қарама-қаршилиқ ўтган давр давомида қарийб 55 минг кишининг ҳаётига зоим бўлди. Шу боис, Шри-Ланкада бўлиб ўтаётган ҳар бир сиёсий тадбир катта хавотир ва ташвиш билан кузатиб борилади. Кечаги президент сайлови бунини яна бир карра тасдиқлади.

40 мингдан ортиқ ҳарбийнинг жанговар ҳолатга келтирилишига қарамай, сайлов барқарор шaroитда ўтмади. Сирасини айтганда, Жафна оролининг бир қисмида му-

тақил давлат тузиш учун курашаётган «Тамил илама» озодлик йўлбарслари» ташкилоти президент сайловини ҳар қандай йўл билан бузишга ҳаракат қилиши олдиндан башорат қилинган эди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Сайловга икки кун қолганда, аниқроғи ўтган шанба кунги мамлакатда вазиёт ҳаддан ортиқ кескинлашиб кетди. Кўп минг кишилик сайловолди митингларидан бир йўла икки террорчи танасига портловчи модда яшириб, ўзини портлатган. Оқибатда ўттиздан зиёд одам қурбон бўлди. 150 дан ортиқ киши жароҳат олди. Портлашларнинг бирида Шри-Ланканинг амалдаги президенти, сайловда асосий номзодлардан ҳисобланган Чандрика Кумаратунга ҳам оғир жароҳат олди. Бироқ у шифокорлар ёрдами билан

омон қолди ва касалхонадан чиқиб соқчилар ҳамроҳлигида ўз қароргоҳига етиб олди. Тўғри, «Тамил илама» озодлик йўлбарслари» ташкилоти раҳбарияти сайловнинг тинч ўтишини қўллаб-қувватлашни маълум қилган эди. Бироқ мамлакат мудофаа вазирлиги расмий вакилининг баёнот беришича, тамилчилар фуқаролари сайловга чиқармаслик мақсадида, террорчилик йўли билан одамлар орасида қўрқув ва саросима уйғотишга ҳаракат қилди. Мамлакат қўшинларининг асосий вазифаси эса сайловнинг тинч ўтишини таъминлаш эди. Кузатувчилар ҳарбийлар бу ишнинг уйдасидан чиқишига шубҳа билдирган эди. Зеро, кейинги пайларда оролда яхши қуролланган тамилчи жангарилар ҳукumat қўшинлари кетма-кет мағлубиятга

унинг янги президенти бўлади. Чандрика Кумаратунга ана шу чегарадан ўтди. Шундай қилиб, Шри-Ланкада президент сайлови низоҳасига етди. Бу сайлов мамлакатга барқарорлик олиб келадими? Ижобий жавоб бериш мумкин. Чунки, 1977 йилда бошланган фуқаролар уруши ҳамон давом этмоқда. Бу даврда мамлакат тепасига келган барча раҳбарлар, жумладан, Чандрика Кумаратунга ҳам фуқаролар урушига чек қўй олмади. Мамлакат иқтисодий ти ачинарли аҳолида қолмоқда. Чандрика Кумаратунга бунини яхши тушунади. Унинг иккинчи муддатга сайланиши тамилчилар билан муроосага келиш йўллари тилиш учун яна бир имконият экани эса нафақат Чандрика Кумаратунга учун, балки Шри-Ланка халқи учун ҳам равшан.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎзА шарҳловчиси.

## ИЖОДКОРЛАРГА - «ОФАРИН»

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Утелерадиокомпания, Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари, «Ўзбекнаво», бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари мамлакатимиз ижодкорлари орасида аънаваний «Офарин» танловини ташкил этишга қарор қилди.

Республика Киночилар уюшма мазкур танловини таъсис этишга бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Муассис ва ҳолий ташкилотларнинг вакиллари, танқидчи маданият арбоблари иштирок этган мазкур тадбирда танлов Низоми ва шартлари тасдиқланди.

Танлов уч йўналишда: адабиёт ва санъат, матбуот, телерадио соҳаларида ўтказилади. Ёзувчи ва шоирлар, кўнчи ва бастакорлар, мусававирлар, журналистлар, кино ва театр актёрлари, ижодий гуруҳлар йил давомида яратган ўз ижод маҳсулини танловга тақдим этиши мумкин. Асарларда она Ватанга муҳаббат, юртимиздаги бунёдкорлик ишлари, турли соҳаларда фидойилик кўрсатаётган, яратувчи ва изланувчи замонашларимиз тақдирини, миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг боқий мероси, ислохотлар жараёни, эркин шавқ ва қомил инсон тарбияси янгилаш талқин ва ифода услубларида акс этган бўлиши лозим. Бу тамойил танловнинг широридан ҳам қуриниб турибди: «Шу азиз Ватаним, шу меҳнатқаш халқим, шу мусаффо осмону муқаддас туپроғим ҳар қанча улуғласақ, ҳар қанча куйласақ, оз!»

Таъсис мажлисида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев истислол йилларда ижодкорлар яратган асарлар ўзининг бадиий ва гоивий мазмун-маъноий билан инсонни улуғлашга, юртимизда умрбоқий қадриятларни шакллантиришга бағишланганлигини таъкидлади. Бугунги кунда таралётган муносиб наваларда, насар ва назм намуналарида, экран ва сахна, тасвирий санъат, публицистика асарларида мамлакатимиз ҳаётидаги, халқимиз руҳиятидаги ўзгаришлар жараёни маҳорат билан акс эттирилмоқда.

«Офарин»нинг илк ғолибларини тақдирлаш маросими 2000 йилнинг феврал ойига мўъалланмоқда.

# Шу азиз Ватан, ҳур Ўзбекистон

# БАРЧАМИЗНИКИ!

## БУ ЮРТДА ФАҚАТ ЯХШИЛИК КЎРДИМ

Олтмиш йилдики, Ўзбекистонда яшамоқ-даман. Миллатим украин. Бу диёрда турли миллат вакиллари эмин-эркин ҳаёт кечириб, орзуларига эришмоқдалар. Аънаналаримиз, урф-одатларимиз ҳурмат қилинади. Ана шундай гўзал юртда, келажаги порлоқ мамлакатда яшаётганимдан бағоят хурсандман. Ўзбекистонни жонажон Ватаним деб биламан.

Узоқ йил Тошкент трактор заводида меҳнат қилдим. Ҳозирги кунда қарилк гаштини сурялман. Президентимиз Фармони билан меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчилари, ноғиронларга катта имтиёзлар яратилган. Масалан, яқинда Юнусободдаги «Нуронийлар» оромгоҳида

бепул даволаниб, саломатлигимни мустаҳкамладим. Юрагимдаги гап, қирқ йил ишлаб бундай ҳурматга мустақиллик йилларидагина сазовор бўлдим.

Ўзбек миллатига ҳавасим келади. Бағоят меҳнатсевар, оққунгил, тўй қилсам, уй курсам дея интилишадим. Борларини меҳмондан, дўсту биродарларидан аяшмайди. Унутмаслигимиз керак, уруш йилларида қанчадан-қанча болалар, кексалар Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Ўзбек халқи уларни иссиқ бағрига олди, жой берди, қорнини тўйғазди. Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Қарийб саккиз йилдики, бу ердаги турли миллат ва элат вакилларига кенг имконият-



лар яратилди. Шу пайтгача бирон-бир кишининг миллат ажратганини ёки оғирроқ гап қилганини эс-лолмайман. Ўзим ҳам ўзбеклардан фақат яхшилик кўрдим.

**Петр РЕДУН,**  
уруш ноғирони,  
пенсиякер.

2000 йил 9 январ -  
Ўзбекистон Республикаси  
ПРЕЗИДЕНТИ сайлови куни

Ўзбекистон табиати, оқибати кишилари, жаннатмакон боғу ролари ҳақида олдин кўп эшитгандим. Бахтни қарангки, тақдир тақозиси билан шу юртга келин бўлиб тушдим. Ўзбеклар чинданам бағрикенг, меҳмондўст, фақат эзгуликка интилувчи асл миришкор

## ЎЗБЕКНИНГ МАГАДАНЛИК КЕЛИНИМАН

эканликларига чуқур ишонч ҳосил қилдим. Наврўзи олам тантаналарида бўлган киши бағоят ҳайратланади. Табаррук халқнинг ўтмиши, бой аънаналари, маданий мероси ҳақида гапиришга ожизман.

Яқинда Магаданга бордим. Ота-онам, қариндош-уруғларим Ўзбекистон ҳақида, мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар ҳақида гапириб беришни сўрашди. Шунда азим Тошкент жамоли, республика ҳукумати аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан амалга ошираётган тадбирлари хусусида сўзлаганимда очиғи ҳаммининг ҳаваси келди. Чунки, ҳозирги мураккаб шароитда ака-

укаларим юртида пенсияонерлар, ноғиронлар бағоят қийин аҳволда ҳаёт кечиряпти. Дунёнинг кўпгина нуқталарида нотинчлик. Қиргинбарот жанглари инсоният тинккасини қуритяпти. Шу маънода Ўзбекистонда яшаётганлар минг бор шукр қилишимиз керак. Бу яхши кунлар, бекиёс ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Барча-барчаси давлатимиз раҳбарининг кучли салоҳияти, жасурлиги, элим деб, юртим деб, жонни аямай фаолият юритаётганлиги шарофатидир. Шу боис, ул зоти олийга чуқур меҳр, эътиқод қўйганмиз.

**Оксана МУРОДОВА,**  
ишчи.

Собиқ шўро даврида чўли ўзлаштиришга пала-партиш киришилди. Иложи бори-ча тезроқ ер ўзлаштириб, кўпроқ пахта етиштиришга даъват этилди. Инсон омили ҳақида эса тузуқроқ бош қотирилмади. Натيجада биз — деҳқонлар қийин аҳволда ҳаёт кечирдик. Айниқса, қиш кунларини азоб билан ўтказардик. Чала-чулла қурилган уйлар деҳқон, қишлоқ кишининг турмуш тарзида жавоб бермасди. Умуман, йиллар мобайнида чўл қийинчиликларини мар-

ғида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, барқарорлик туфайли муборак юртимизга йил сайин кўлаб хориж сармояси кириб келмоқда. Ислоом Абдуганиевич сирдарёлик сайловчилар билан бўлган учрашувда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор бериш лозимлигини ўқтирдилар. Шубҳасиз, бу катта маблагни талаб этадиган иш. Бу борада муҳим қадам қўйилганлиги барчамизни гоят руҳлантирди. Яқинда Ўзбекистон ва Осиё Тараққиёт банки ўртасида имзоланган шартномага кўра республикамизга ажратилган 72 миллион АҚШ долларининг 48 миллиони ана шу ўта муҳим муаммони ҳал этишга сарф қилинадиган бўлибди. Демак, вилоятимизда пахтачилик, ғаллачилик гуркираб ривожланадиган дамлар узоқ эмас.

Ўзим 43 йил далада ишладим. 25 йил пахта етиштирдим. Бироқ, ўтган умримга, ёшлигимга ачинаман. Бизни юзага олиб чиққан азиз инсонга ўз садоқатимни амалда намойиш этишга қатъий бел боғлаганман. Мирзаобод туманидаги «Тошкент» ширкатлар уюшмасидан 6 гектар ер олиб, деҳқончилик қилганман. Оғир шароитда пахта ҳосилдорлигини 25 центнерга етказдим. Ниятим, эндиликда сара дон етиштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиш. Энг муҳими, юртимизга, шу осуда ҳаётимизга кўз тегмасан. Ҳар он ҳушёр туриб, бахтимизни кўриқлайлик!

**Абдуқодир ҲАЙДАРҚУЛОВ,**  
пахтакор.

## БИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИ ЁҚЛАЙМИЗ!

Оққўрғон туманида кўпгина корейс миллатига мансуб кишилар яшайдилар. Ҳар биримиз шу жаннатмакон юртда умргузарлик қилаётганимиздан бағоят хурсандимиз. Эмин-эркин яшашимиз, озу-ҳавасларимизни рўбга чиқаришимиз учун барча имконият яратилган. Ўзбекистон мустақиллигидан кейин бизнинг ҳам миллий аънаналаримизни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Яна бир хурсандчилик томони Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик йил сайин ривожланиб, мустақамлашиб борапти. Бунда Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримовнинг Жанубий Кореяга қилган расмий ташрифи, ташаббуслари муҳим рол ўйнаганлигини яхши биламиз. 1 декабр куни «Кабул-Ўзбек КО» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг ишга туширилиши бағоят қувончли воқеа бўлди. Бу серкўёш диёр иқтисодий ҳаётдаги муҳим аниқлик. Сабоби, мазкур ақойиб корхона хориж сармоясини жалб этишга алоҳида ўрин тутди. Эътибор қилинг, бу ерда йилга 24,5 минг тонна калава ит, эни халқаро андозаларга мос, яъни 1640 миллиметрли юқори сифатли газламадан эса 9 миллион метр ишлаб чиқарилади. Махсулотнинг 98 фоизи АҚШ, Канада, Европа давлатларига экспорт қилинади. Расман эътироф этилишича, бу қарийб 50 миллион доллар даромад дегани экан. Қандай ақойиб!

Ўзбекистон келажаги буюқ давлат. Ана шу бебаҳо, улғувор ниятни рўбга чиқаришда биз — ўзбекистонлик корейсларнинг ҳам ҳиссаси борлигини фахрланамиз. Осуда ҳаётимиз, юксак кадр топаётганлигимиз Президент Ислоом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган оқилона сиёсат шарофатидир. Йигирманчи асрда шу улғу зотнинг мамлакатга энг кўп меҳнати сингди. Айниқса дастлабки кезлар жуда кўп қийинчиликлар, муаммолар енгиб ўтди. Мана энди Ўзбекистонга ҳаммининг ҳаваси келаяпти. Барча миллат ва элат вакиллари бирдек қадрланган, адолат устувор бўлган мамлакат гуллаб-яшнайверади.

Биз — оққўрғонлик корейс миллатига мансуб кишилар келаси йилнинг 9 январ куни бўладиган сайловда Ислоом Каримов номзоди учун яқдил овоз берамиз.

**Владимир КИМ,**  
хуқуқшунослик фанлари доктори,  
**Варвара ЛИ,**  
шифокор,  
**Гранит ЛЯН,**  
меҳнат фахрийси,  
жами ўн беш имзо.

## ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ ҚАДР ТОПДИК

дона енгиб, пахта етиштиришга аммо қадр топмадик. Биримиз икки бўлмадик. Мустақиллик шарофати туфайли эндиликда инсонлардек яшаб, ўз ерининг ҳақиқий хўжайинига айландик. Мухтарам Президентимиз сирдарёликлар ҳақида ҳам алоҳида қайғурмоқда. Сўнгги йилларда вилоятда санаот гуркираб ривожланди. Ҳозирда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг қарийб учдан бир қисмини Сирдарё ГРЭСи етказиб беради. Президент Ислоом Каримов раҳнамоли-

қида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, барқарорлик туфайли муборак юртимизга йил сайин кўлаб хориж сармояси кириб келмоқда. Ислоом Абдуганиевич сирдарёлик сайловчилар билан бўлган учрашувда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор бериш лозимлигини ўқтирдилар. Шубҳасиз, бу катта маблагни талаб этадиган иш. Бу борада муҳим қадам қўйилганлиги барчамизни гоят руҳлантирди. Яқинда Ўзбекистон ва Осиё Тараққиёт банки ўртасида имзоланган шартномага кўра республикамизга ажратилган 72 миллион АҚШ долларининг 48 миллиони ана шу ўта муҳим муаммони ҳал этишга сарф қилинадиган бўлибди. Демак, вилоятимизда пахтачилик, ғаллачилик гуркираб ривожланадиган дамлар узоқ эмас.

Ўзим 43 йил далада ишладим. 25 йил пахта етиштирдим. Бироқ, ўтган умримга, ёшлигимга ачинаман. Бизни юзага олиб чиққан азиз инсонга ўз садоқатимни амалда намойиш этишга қатъий бел боғлаганман. Мирзаобод туманидаги «Тошкент» ширкатлар уюшмасидан 6 гектар ер олиб, деҳқончилик қилганман. Оғир шароитда пахта ҳосилдорлигини 25 центнерга етказдим. Ниятим, эндиликда сара дон етиштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиш. Энг муҳими, юртимизга, шу осуда ҳаётимизга кўз тегмасан. Ҳар он ҳушёр туриб, бахтимизни кўриқлайлик!

**Абдуқодир ҲАЙДАРҚУЛОВ,**  
пахтакор.

Иккинчи жаҳон уруши пайтида «халқлар доҳийси» Сталиннинг маҳфий фармойиши билан мамлакатнинг турли бурчакларига бир кеча-ю кундузда кўчирилганлар орасида мен ҳам бор эдим.

Мана, 57 йилдан бери Тошкентда яшайман-у бироқ нима учун тинч аҳолининг қувғин қилингани сабабининг тағига етолмайман. Ҳали-ҳануз ёдимда: ўзбеклар бизни ўз ака-синглисидек самимий қутиб олишди. Ўзлари ночор яшаётган бўлсалар-да, бир бурда нонларини биз билан баҳам кўришди. Ҳар доим холимиздан хабар олиб туришди. Қўсқаси, биз-татар миллатига мансуб кишилар серкўёш диёрнинг меҳри дарё кишилари орасига тушиб қолганимиздан бир умрга миннатдоримиз.

Шўро истибодоти бизнинг ҳам миллий урф-одатларимиз илдизига болта урди, динимиздан мосуво қилмоқчи бўлди. Лекин Аллоҳга шукрки, Ўзбекистонимизда озодлик қўёши балкиб, ўзимизни онадан қайта тугилгандек ҳис қилдик. Ҳозирги кунда тўйимиз, қувонч кунларимиз атрофимизда эмин-эркин яшаётган ўзбеклар, руслар, қозқларсиз ўтмайди. Ўз навбатида улар ҳам бизни тўйхона тўрига ўтказишади. Иштирок етолмаган беморлар уйига бир лаган ош чиқаришади. Эркақларимиз бошларига дўппи кийиб таъзияларда қатнашишади.

Яқинда ўғлим вафот этди. Кўпчилик

маҳалладошларим кўнглимга таскин беришга ҳаракат қилишди. Турмушга чиққан қизларимни синаш учун «Кримга кетсак қандай бўларкин», десам қойиб беришди. Чунки улар шу ерда тугилди-ди, Тошкент улар учун ҳақиқий Ватан бўлиб қолди. Энг муҳими, улар яхши-ёмон кунларимизга доим яраб келган қўшнилариимиз меҳри, саховати, мурув-

## ҒАНИМЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

ватидан айрилиб қолишни истамадилар.

Йўлбошимиз кўпична мустақилликни бутун чоралар билан мустаҳкамлашга ва тинчлик-осойишталикни кўз қорачигидек асрашга даъват этишлари бежиз эмас. Чунки тинчлигимиз, мамлакатда яшовчи барча миллат ва элат вакиллари билан бир ёқадан бош чиқариб республика иқтисодиётини юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз ҳаммага ҳам ёқавермайди. Ғанимларнинг уйдирмаларига сафларимизни янада жипслаштириш, уюшқоқликни қучайтириш билан жавоб беришимиз керак.

**Муйбе САЙФУЛЛИНА,**  
Юнусобод тумани.

## ҚОРАҚАЛПОҚ ТАЪЗИМИ

Республикамиз ҳукумати мураккаб экологик вазиятда ҳаёт кечираётган Орол ўлкаси меҳнаткашларига катта эътибор кўрсатиб келмоқда. Айниқса, ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган. Масалан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида ана шундай кимсалардан 3262 нафарига санаторий, курортларга бепул йўланмалар берилди. 30 нафар ўғил-қиз Тошкентдаги болалар масканларида мириқиб хордиқ чиқардилар.

Қорақалпоғистонда буюқ бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қоратог-Тўрткўл темир йўли қурилиши, йирик сода заводи қурилишини эслатиб ўтиш қифоя. Сўнгги йилларда янги шифо масканлари ҳам фойдаланишга топширилди. Нуқсудаги онкологик касалликларни даволаш ва профилактика ишлари олиб боришга ихтисослашган илмий тиббиёт марказининг ишга туширилиши кўпчиликни хушнуд этди. Муваффақиятларимизнинг бош омили — кўп миллатли кишилар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатликдир. Эндиликда О.Саитова, Д.Работова, М.Тоғамуродов, А.Одилов каби кўпчиликка танилган фидойи инсонларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

**Умменен ДЎСТҚАЛИЕВА,**  
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган бинокор.

Дунёдаги ҳамма нарсалар нисбийдир. Айниқса, бахт ва бойлик каби тушунчалар. Ким учундир кўпдан орзу қилиб юрганга эришиш олий бахт ҳисобланади. Бошқа бирова эса шохона ҳаёт кечириб шундай лаззатни беради. Худди шундай бойликка бўлган муносабат ҳар кимда ҳар хил...

Шахсан мен масалан, бир навоийлик каби дўстликни ҳақиқий бахт, дўстларимни эса бебаҳо бойлик деб биламан. Ўзим турк бўлсам-да ўзбек, қозқ, қирғиз, тожик, рус, корейс каби турли миллатга мансуб дўстларим бор. Улар билан тез-тез қўришиб тураман. Ҳар учрашганимизда кўзларимизда қувонч порлайди. Худди узоқ муддат дийдорлашмагандек бир-биримизни бағримизга босиб, соғинч тўла қалблардан қувват оламиз.

Ўтган йили бандаликни бажо келтирган отам раҳматли ҳам дўстликни қадрлаган, дўстларини ўз жигарларидек суйган инсонлардан бири эди. Салқам юз йил умр кўрган отам ярим асрдан ортиқ вақт Ўзбекистонда яшаган. Улар ўзбеклар билан ҳам, Ўзбекистондаги бошқа халқлар билан ҳам яқин дўстона муноса-

батда бўлганлар. Тўю-маъракаларимиз, узун кий кечалари меҳмонхонамизда ўтадиган гапу гаштакларда ҳамма бирдек иштирок этарди. Шу муҳитда ўсиб-ўлғайган амакиларим, акаларим ўзбек, рус, татар каби турли миллат вакиллари билан қариндошлиқ ришталарини боғлашган. Қиз олиб, қиз берганлар, қудандачилик қилишган.

## ДЎСТЛАРИМ — БОЙЛИГИМ

гузарларда жойлашган чойхона ва сартароҳоналар одамлар учун ахборот алмашинув маркази бўлиб хизмат қилган. Радио, телевидение, газета-журналлар каби оммавий ахборот воситалари кенг тарқалган ҳозирги кунда ҳам гузарлар ва улардаги чойхонаю сартароҳона сингари масканлар янгиликка ўч одамлар билан доимо гавжум бўлади. Ўн йилдики, маҳалла гузарда сартароҳлик қиламан. Ҳар кун олдимга ўнлаб одамлар келади. Уларнинг миллати, дини, касб-кори, жамиятда тутган ўрни ва албатта, ду-

нёқарашлари ҳам ҳар хил. Аммо иш жараёнида уларнинг сўхбатларига қулоқ тўтарканман, бир нарсадан хурсанд бўлиб кетаман. Чунки, турли миллат ва мазҳабга, ҳар хил ёш ва хунарга эга бу одамларнинг орзу-мақсоди муштарак, маслага бир, нияти холис: ривожланишнинг олий нуқталари сари дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини қўриш,

буюқ келажақ яратишда иштирок этиш. Гарчанд, бундай вақтим жуда кам бўлса-да, имкон топилди дегунча, газета ва журналларни varaқлайман. Бадиий ва ижтимоий-сиёсий мавзудаги адабиётларни ўқийман. Ўзимга ёққанларини таллаб, сартароҳонада мижозлар учун ташкил қилинган бурчакка тахлаб қўяман. Ниятим, бу ерга келган одам нафақат соч-соқолини олдирсин, балки ўзи ҳам юртимизда юз бераётган ўзгаришлардан, дунё воқеаларидан бохабар бўлсин.


Мен нега буларни алоҳида таъкидлаётиман. Чунки, озодлик наҳидасини сураётган мустақил юртимизда кейинги йилларда шундай улкан бунёдкорлик ишлари, жаҳоншумул аҳамиятга молик аниқлик ва ўзгаришлар юз бердики, уни истиқлолга эришган бошқа давлатларнинг ўтиш давридаги салохияти билан солиштирилса, бир неча баробар устундир.

Эсимда бор, мустақиллигимизнинг беш йиллиги арафасида мамлакатимиз тараққиётини ўрганган чет эл мухассисларининг эътирофи эълон қилинган эди. Уларнинг таъкидлашича, юртимиз худди шундай ўтиш даврини бошдан кечирган бошқа давлатлар беш йилда эришган ютуққа бир йилда эришган экан. Назаримда, бундай улкан ютуқларга эришишнинг асосий омилларидан бири узоқни кўзлаб, бошқичма-бошқич олиб борилаётган давлат сиёсати бўлса, иккинчиси халқлар ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатликдир.

**Рустам БАШАТОВ,**  
маиший хизмат ходими.

# ЎЗАГРОСУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон халқини кириб келаётган  
янги 2000 йил - "Соғлом авлод йили"  
билан самимий муборакбод этади.



Янги йилда хонадонингиздан қут-барака,  
севинч ва тотувлик аримасин, муборак  
юртимизда тинчлик-хотиржамлик ва  
осойишталик бўлсин!

"Ўзагросуғурта"

Давлат ақшадорлик суғурта  
компанияси бошқаруви



## • 1999 йил — Аёллар йили •



### ЗАРДЎЗЛАР

Хатича Воҳидова Қизилтепа туманидаги мустақиллик кенг имкониятлар берган тадбиркор аёллардан бири. У 1996 йилда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш миллий хунармандчилик уйи ташкил этиб, ишни Тошпўлат Ҳамид маҳалласи, Навоий номли каби бир неча жамоа хўжаликларида ишсиз аёлларга хунар ўргатишдан бошлаган эди.

«Умид билан суқилган таёк, бир кун берар меваю яроқ» деганларидек, хайрли ташаббусни агро-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кўмитаси қўллаб-қувватлаб, Хатича опага ёрдам

кўрсатди. Натижада дастлаб 4 нафар хотин-қиз иш бошлаган хунар уйида ишловчилар сони уч йил ичида 300 кишидан ошди. Ҳозир бу ерда машхур Бухоро зардўзларидан қолишмайдиган хунарманд қизлар меҳнат қиладилар. Уларнинг чевар қўллари тиккан зардўзлик маҳсулотлари Хитой, Германия, Буюк Британия, Испания, Америка, ҳамдўстлик мамлакатларидан келган ишбилармон аёллар томонидан катта эҳтиёж билан харид қилинмоқда. Айниса, миллий либосларимиздан зарбоф тўнлар, камзуллар, келин-куёв либослари, болалар хатна ва мучал тўйи

кийимлари, қарияларга мўлжалланган турли либослар уларда катта қизиқиш уйғотди.

Тиниб-тинчимас аёллар шу йил Бўстон қўргониди Қизилтепада ягона бўлган аёллар гўзаллик салонини очдилар. Шунингдек, миллий пойафзаллардан маҳсулоти, қовуш тикиш йўлга қўйилди. Қандолатчилик, новвойлик цехлари очилди. Айни кунларда сандикчилик ва бешикчилик цехларини очиш мўлжалланмоқда. Миллий хунармандчилик фирмаси усталари астойдил меҳнатлари натижасида эътиборга молик ютуқларни ҳам қўлга киритдилар. Улар яратган хунар-

мандчилик буюмлари 1997-1998 йиллар якунига кўра республикада ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловиди муносиб ўринларни эгаллаб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, вилоят, туман кўрик-танловларида бош соврин билан тақдирланди. Хатича Воҳидова 1998 йил якуни бўйича Республика хотин-қизлар кўмитаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан ўтказилган «Энг фаол аёл» кўрик-танловининг ғолиби бўлди.

Ҳозир Қизилтепа туманининг кўпгина маҳаллаларида «Хатича» фирмасининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Бу тадбиркор аёлнинг келгусидаги режалари катта. Чет эл сармояларини киритган ҳолда миллий хунармандчилик фабрикаси очиш, маҳсулотларни дунё бозорига олиб чиқиш, Навоий марказий бозорларида филиаллар ташкил қилиш орқали яна юздан ортиқ аёлни ишга жалб этишни мўлжалламоқда.

Хатича Воҳидова фирма кўраётган фойдадан хайрия ишларини ҳам ўтказиб туради. У марказий касалхонанинг бир бўлимини оталиққа олган. Шунингдек, кўзи охишлар ҳамда ногиронлар жамиятига ҳар йили мухтазам ёрдам берилмоқда.

Ялғош САРИЕВ,  
Мухаббат  
ЎРМОНБЕКОВА,  
«Ишонч» мухбирлари.

### Жаҳон бозорига йўл

Халқаро «Олтин юлдуз» соҳиби - Ангрендаги «Саноатқалинқоғоз-савдо» ҳиссадорлик жамиятида жорий йилда маҳсулот ишлаб чиқариш салкам бир ярим баравар ортди. Бу ерда тайёрланаётган юқори си-

фатли ўраш, қадоқлаш, маҳсулот сақлашда ишлатиладиган қалин қоғоз ва гофро қутиларни мамлакатимиздаги қандолатчилик фабрикалари, ёғ-мой комбинатлари, савдо корхоналари бажонидил харид қилмоқда. Кейинги

вақтларда «Қобул-Ўзбек», «Токойч», «Попфейн», «Айлин», «Сан-Вайн» каби республикаимизда фаолият кўрсатаётган ўнлаб қўшма корхоналардан ҳам буюртма кела бошлади. Маҳсулотни илк бор хоризгга чиқаришга эришилди.

Шуниси эътиборлики, корхона жамоаси чиқитиш технологияни жорий этиши натижасида атраф-муҳит экологик ҳолати яхшиланди. Қоғоз қийимларидан қурилиш эҳтиёжлари учун тайёрланаётган ўнлаб минг квадрат метр толали плиталар қўшимча даромад манбаи бўлди.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати  
ва коммунал-маиший хизмат ходимлари  
касаба уюшмаси Марказий кўмитаси

Барча ватандошларимизни, тармоқ  
касаба уюшмалари аъзоларини кириб  
келаётган янги 2000 йил — «Соғлом  
авлод йили» билан чин қалбдан, самимий

ТАБРИКЛАЙДИ!

Хонадонингиздан қут-барака  
аримасин! Жондан азиз Ватани-  
миз — ҳур Ўзбекистон гуллаб-  
яшнайверсин! Улуғ ва мўътабар  
ишларимизда Яратганинг ўзи  
мададкор бўлсин!



Илҳом

КУЛГИНГА БАҲҚ УРИБ  
ОЧИЛСИН ГУЛЛАР

Кулгин, ёр, кулганинг кўрсин дўстларим,  
Кулгиндан яйрасин, яшнасин диллар.  
Кулгин ёр ҳамиша, шудир тилагим,  
Кулгинга баҳқ уриб очилсин гуллар.

Кул, ёрим, севинчдан тошиб кул, дилдор,  
Чехрангда шўх кулгинг баҳқ нишониси.  
Қалам қоши камон, кўзлари хумор,  
Сен кулсанг гўёки олам кулгуси.

Порласин севинчдан шахло кўзларинг,  
Айрилмас ҳамроҳинг бўлсин табассум.  
Кулгингдек сержилва, ширин сўзларинг,  
Яхшилар қалбида бўлсин тажассум.

Сен кулсанг, кулгиндан юз очади гул,  
Шўх кулгинг дилларга севинч бағишлар.  
Кулгинга жўр бўлиб куйласин булбул,  
Қолмасин кўнгилда ғаму ташвишлар.

Тилагим — ҳамиша кулсанг, гўзалим,  
Ки кулгинг ярашур Ойдек юзингга.  
Дилда ниҳон тутган ёлғиз истагим —  
Ҳаётда бўлмоқлик ҳамроҳ ўзингга.

Тўғриликлар

Дунёнинг ишлари гоҳ баланд, гоҳ паст,  
Баъзида ўнг келар, баъзида чағдаст.  
Тўғри сўз, очиқ кўл, ҳалол инсонга,  
Тенг келмас ёлғончи, нопоку нокас.

Қучоқ очиб керилма, оламни кучолмайсан,  
Одам бўлиб туғилдинг, қуш бўлиб учолмайсан.  
Ота-бонбондан мерос касбу хунари қилгин,  
Кашф этилган бу дунё қайта кашф этолмайсан.



Кутганинга ёр келмаса, бундан ёмони йўқдир,  
Сен севсанг-у у севмаса, ундан ёмони йўқдир.  
Хатто унга жонинг ҳада этмоқ бўлиб турсанг-у,  
Фидолигинг билмаса гар, шундан ёмони йўқдир.

Гўзаллик — жаннатнинг, илк матлабидир,  
Ҳаётинг лаззатнинг завқу таъбидир.  
Уни сиз изламанг кенг коинотдан,  
Чинакам гўзаллик инсон қалбидир!

Мирзахусан ЗУФАРОВ.



Кўзларингнинг  
кулиб туриши,  
Кўзларимдан  
нишона, болам.  
Бегуборлик,  
қувонч, шодликлар,  
Тарқ этмасин  
қалбингни бир дам.



Ўқинг, қизиқ!

Узоқ умр кўришни ким хохламайди дейсиз, хо  
рижлик олимлар бу соҳада тинимсиз иш олиб  
бормоқдалар. Инсоннинг яшашига нима таъсир эти  
ши мумкин? Худди шу йўналишда изланиш олиб  
бораётган Калифорния университетининг олимла  
ри ажайиб янглик иختиро қилдилар. Улар куртлар  
устада тажриба ўтказиб, узоқ яшовчи генни топди  
лар. Бундай генлар одамларда ҳам бор, деган ху  
лосага келдилар. Семиз куртларда бу ген тез ҳаёт  
дан кўз юмади. Шунинг учун улар юрган ерларини  
ўзгартириб, оч юришга ҳаракат қилишади. Шунда

КИМ УЗОҚ ЯШАЙДИ?

инсулин камайиб, протейн ишлаб чиқарадиган ген  
нинг иш фаолияти тезлашади. Мана, шу оқсил мод  
даси ҳаётни икки ҳисса узайтириш қобилиятига эга  
экан. Шу муаммо хусусида тажриба ўтказётган яна  
бир мутахассислар — Бостондаги Массачусетт гос  
питалининг лаборатория ходимлари ҳам шундай ху  
лосага келган эдилар. Бу тажрибаларга қараганда,  
камбағал ва ориқ одамлар узоқ яшаши керак.  
Ҳа, семизлар нега ориқлашга ҳаракат қилишади  
десақ, бу томони бор экан. Бунга маҳаллий шифо  
корларимиз нима дер эканлар.

БОЛАЛАРИМ АСЛИ  
ПОЛВОНДИР

Республикамиз бўйича спорт соҳасида бир йўла дий шуғулланиб, юртимиз  
иккита йирик тадбир-кураш ҳамда ватанпарвар- шарафини доимо мардона-  
лик ойлиги давом этатган бир вақтда «Белбоғли вор ҳимоя қилишини тилай-  
кураш» бўйича 1-халқаро мусобақанинг ўтказили- ман.  
ши кураш ихлосмандлари қувончига қувонч қўшди. Мўйдин бобо Исоков  
Ўтган жума кuni кураш ватани полвонлари уч ваз- (70 ёшда), «Белбоғли ку-  
нда ҳам тўққиз совринли ўринни эгаллагани маъ- раш» бўйича ўтказилган  
лум. Кўпчилик мухлисларда ушбу халқаро турнир 1-халқаро турнир Ғолиб-  
беллашувлари катта таассурот қолдирганининг гу- лари Шухрат (73 кг) ва  
воҳи бўлди. Равшан (90 кг) Исоков-  
ларнинг отаси: «Соғлом

Аъзам бобо Хўжаев, 75 ёшли ку- раш мухлиси, Иккинчи Жаҳон уруши  
иштирокчиси: — Кураш бўйича 1-Жаҳон чемпионатини ўтказиб, ундаги жозоба ва  
шиддатдан илҳомланиб курашнинг ашад- дий мухлиси бўлиб қолган эдим. Бел-  
боғли кураш бўйича ўтказилган халқаро мусобақани қузатиб ўзим учун яна бир  
севимли спорт турини кашф этдим. Май- дондаги алп ўғлонларни кўриб, ёш-  
лик пайтларим эсимга тушди. Урушдан олдин Х.Латипов, С.Аҳмедов, А.Ибодов каби  
курлодошларим билан спортга меҳр қўйиб мунта- зам шуғулланирдик. Бу биз-  
га катта ёрдам бериб ҳозиргача тетик юришимиз- га сабаб бўлди. Уйлайман-  
ки, халқаро майдон сари қўйилган илк қадам қўтулг келиб,  
ёшларимизни жисмонан, руҳан со- глам қилиб вояга етказди. Ватан ҳимо-  
яси учун доимо садоқатли ва ватанпар- вар ўғлонларни тарбиялашга ҳизмат  
қилади. Келажагини эгалари бўлган на- вқирон авлод бу спорт тури билан жид-



авлод» йили арафасида курашимизнинг халқаро тус олиши хайри иш бўлди.  
Фарзандларим ютуғини олқишлаб, му- хлисларнинг «яшавор полвон, отангга раҳ-  
мат», деган сўзларини эшитганимда кўзларим ёшланиб, қайта туғилгандек  
бўлдим. Янги қондаларга асосланган бу турнир ўша асл курашни ўз холига қай-  
тарди. Полвонлик бизга бобомерос, от изини той босар дейдилар. Шу  
боис, уч ўғлимни ҳам кураш бил- лан шуғулланишга шариот  
яратиб берганман. Бугунги кунга келиб қилган хизмат-  
ларимнинг мевасини тати- моқдаман. Сулоламизни да-  
вом эттириш мақсадида беш неварамни ҳам белбоғ-  
ли кураш билан шуғулланти- рилган. Бу каби хайри иш-  
ларга бош-қош бўлиб, кураши- мизга кенг йўл очиб берган юртбо-  
ғимиздан миннатдоримиз. Қолаверса, 9  
январда бўладиган Президент сайлови- да биз — полвонлар сулоласи бир овоз- дан Ислол Каримовнинг номзодини  
ёқлаб овоз берамиз.

ҚОНУН НАЗОРАТЧИЛАРИ  
БЕЛЛАШУВИ

Пойтахтимиздаги Ички ишлар Вазирли- гига қарашли «ЖАР» спорт соғломлашти-  
риш мажмуасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар  
жамоаларининг энг кучли спортчилари ўртасида қўл жанги  
яккакураш бўйича хал- қаро турнир бўлиб ўтди.  
Хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қўл жанги федерацияси,  
ИИБ, Миллий Хавфсиз- лик хизмати ҳамда Рес- публика жисмоний тар-  
бия ва спорт қўмитаси ҳамкорликда ўтказила- ётган мазкур турнир уч-  
кун давом этиб, белла- шувларда республика- миздаги ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг  
160 нафар ходимлари билан бирга қозоғис- тонлик қонун ҳимоячи- ларининг 12 нафари олти  
вазн бўйича ғолиблик учун курашди.  
— Махсус бўлинма- ларда халқимиз тинчли- ги ва оқойишталигини  
қаҳрамонларча ҳимоя қилган ҳуқуқ посбонла- рининг хотирасига ба-  
йишлаб ўтказилган тур- нирдан мақсад қонун- устуворлигини таъмин-  
ловчи ходимларимиз- нинг жисмоний тайёр- гарликларини кўриқдан  
ўтказиш ҳамда қўл жан- ги яккакурашнинг ом- мавийлигини ошириш- ни тарғибот қилишдан  
иборатдир, — деди му- собақа бош ҳақами, ИИБ қошидаги махсус жисмоний тайёргарлик бўйича марказини бошлиги милиция под- полковниги Рустам Ил- ҳомов «Туркистон- пресс» муҳбирига. — 2000 йилда бўладиган турнир мавқеини оши- риш мақсадида Марка- зий Осиё давлатлари билан бирга АҚШ, Ан- глия, Япония, Россия ва Украина каби мамла- катларнинг полициячи- ларини ҳамда келажақ- да уларга ўринбосар- лар бўладиган 9 ёшдан ҳарбий хизматга қа- қирув ёшигача бўлган ўспиринларни тақлиф қилиш кўзда тутилган.

Хар тўғрида  
АЖАБТУВУР  
ВИДЕОКАМЕРАЛАР

Япониянинг «Сони» ком- панияси «Хандикам» ви- деокамераларининг бир неча модели кечаси қор- онгу пайтда ишлашга мос- лаштирилган. Ҳа, айтган- дай, бу камера билан кун- дуз кунлари, айтиллик, кўларда, чўмилиш ҳавза- ларида чўмилётганларни видео тасмага тушира кўрманг. Чунки уларни чўмилиш кийимларисиз кўрасиз... Фойдага мукка- сидан кетган «Сони» раҳ- барияти бу камера фақат кечасигина ишлашга мослаштирилган деган баҳона билан ўзларини оқласалар-да, ундан кунду- зи ҳам фойдаланмоқда- лар. Махсулотнинг асосий қисми сотувга аллақачон чиққан. Фақат бир ой ичи- да Япониянинг ўзида 180 минг камера сотилган. Биргина ённинг жазирма иссиқ кунларида Европа мамлакатлари ҳамда АҚШ 870 минг видеокамерани харид қилган.

ОСМОНДАН ТОШ  
ТУШДИ

Шу йил апрел ойининг йигирманчи санасида Туркманистоннинг Ташо- вуз шаҳрида қадимий Эски Урганча яқин ерга метеорит тушгани аниқ- ланган. У тушаётганда қаттиқ гуриллаган овоз эшитилиб, кучли ёруғлик юз берган.  
Тош Нарли Гандимов исмли фуқаро уйдан 50 метр нарига тушган. Олимлар бу тошнинг оғирлиги 800 кг дейиш- моқда. Оғирлик зарбидан ўша жойда катта чуқурлик пайдо бўлган. Нарлининг фарзандлари бу пайтда пахта далаларида иш би- лан банд бўлиб, ҳеч ким талофот кўрмаган. Тош устида текшириш олиб борган олимлар метео- ритнинг хондрит тош эка- нини аниқлаганлар.  
Қидирбой Тўлабоев.

Нобель мукофотининг таъсис этилганлиги, ҳеч  
муколагасиз айтиш мумкинки, XX асрнинг энг ноёб  
воқеаларидан биридир. У или-фан, адабиёт ва  
тинчлик жараёнларига ижобий таъсир этмоқда.

Ўз даврининг катта билимдони, олим, тадқи- қотчи ва ишбилармон Альфред Бернхард Но- бель (1833-1896 йй.) асли швециялик бўлиб, саксондан ортиқ кашфи- ёт муаллифидир. У дина- мит, сунъий ипак, газ моторлари ва бошқалар- ни кашф этди; аммо бу олимни жаҳонга машҳур қилган, ўлиmidан бир йил аввал қилинган сўнги «кашфиёти» — 1895 йили Париж шаҳри- да ёзиб қолдирган бир парча «васиятнома»си, дея эътироф этилади. У ҳаётлик даврида тўплан- ган катта капиталнинг маълум бир қисми хар йили мукофот сифатида физика, кимё, физиоло- гия ёки тиббиёт соҳаси- даги буюқ кашфиётлар, бадий асарлар (адаби- ёт), халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фа- олият учун бериб келин- моқда. Юқорида қайд этилган бешта мукофот дастлаб 1901 йилда ўз эгаларини топган эди.  
1968 йилда Швеция давлат банки ташкил этилганлигининг 300 йиллик юбилейи муно-

мисрлик, аммо АҚШда (Ка- лифорнияда) олиб борган тадқиқотлари учун Аҳмад Зевайл (1946 йили туғил- ган)га берилди. Унинг та- дқиқотлари «Спектроско- пиядан фойдаланган ҳолда кимёвий реакциялар ҳола- тини ўрганиш»га бағиш- ланган.  
Тиббиёт соҳасидаги мукофот немис олими Гун- тер Блобел (1936 йили ту- гилган)га «Ички сигнал-

НОБЕЛЬ  
МУКОФОТЛАРИ  
ТОПШИРИЛДИ

(21 октябр) атрофида эълон қилинади. Муко- фотни топшириш тантана- си ҳар йили Стокгольм (Швеция) ва Осло (Нор- вегия)да Нобель вафот этган кун (10 декабрда) ўтказилади.  
Яқинда Нобель мукофо- ти лауреатлари тўғрисида- ги 1999 йил маълумотла- ри эълон қилинди. Бу маъ- лумотларга кўра, физика соҳасида Герардис Т.Хувт ва Мартинус Ж.Г.Вельт- манга «Физикада кам қув- ватли электрик ўзаро боғ- ланишларнинг квант спек- трини ёритиб берганлиги учун», кимё соҳасида асли

кофот «Чегара билмас шифокорлар» фондида берилди. Бу фонд 1971 йили Францияда тузил- ган. Штаб-квартираси Бельгия пойтахти Брюс- селда жойлашган бу фонд жамоа ташкилоти бўлиб, унинг аъзолари — шифокорлар жаҳоннинг ҳар қандай қисмида ке- ракли тиббий ёрдам кўрсатиб, тобора шухрат ва обрў қозониб келмоқ- далар.  
1999 йилнинг иқтисо- диёт бўйича Нобель му- кофоти канадалик Роберт Манделлга насиб этди. 1932 йили туғилган Ро- берт АҚШда таълим олди ва илмий фаолиятини Нью-Йоркда, Колумбия университетидида давом эттирди. Олимга бу му- кофот «Турли валюта курси шариотидидаги пул ва фискал сиёсатни ва пул- нинг оптимал муомаласи- ни таҳлил этгани учун» берилди. Р.Манделлнинг асарлари жаҳон иқтисо- диёти, пул назарияси ма- салаларига бағишланган.  
Шундай қилиб, Нобель тасвири туширилган олтин медал ва деярли бир миллион АҚШ долларига тенг пул мукофоти ўз эга- ларини топди.  
Абдухалил РАЗЗОҚОВ,  
профессор.

ISHONCH  
МУАССИС:  
Ўзбекистон қасаба  
уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс ҚАЮМОВ  
Таҳрир хайъати:  
Ж.Алимуҳаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов,  
Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-  
Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов,  
М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар бўлими  
56-85-43; Реклама, эълонлар  
бўлими 56-87-73  
Газета 1991 йил 21 мартдан  
чиқа бошлаган

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро»  
кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот  
қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган.  
ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет  
усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ,  
Сотувада эркин нархда.  
«Шарқ» нашриёт — матбаа концерни  
Босма хонаси. Корхона манзили:  
«Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш  
вақти - 22.30